

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган


ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 119 (10.928)

Баҳоси эркин нарҳда

2007 йил, 22 июнь, жума

XXI АСР
САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР



МАМЛАКАТИМИЗДА

●Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

●Яккабоғ туман ҳокимлигида республика Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ташаббуси билан «Ёшларни ОИТС ва гивандликдан асрашнинг долзарб масалалари» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

●Сурхондарё вилоятида Ижтимоий ҳимоя йилида кексалар, ногиронлар, яққа ёлғизлар ва кам таъминланган оилалар ҳамда етимларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан йил бошидан буён республика ва вилоят ҳудудидаги санаторийлар, даволаш муассасалари ва дам олиш уйларида бепул йўлланмалар орқали 400 нафар фахрий ўз соғлигини тиклади. Қуни кеча вилоят меҳнат ва ижтимоий ҳимоя бош бошқармаси яна 340 та йўлланма ажратди.

●Жиззах шаҳридаги Мустақиллик майдонида Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртини тамомлаган курсантларга диплом топшириш маросими бўлиб ўтди. Курсантларга бир пайтнинг ўзида офицерлик унвонлари ҳам берилди.

●Марғилон шаҳри марказида қайта таъмирдан чиқарилиб, бутунлай янги қиёфа касб этган дехқон бозори фойдаланишга топширилди. Замонавий қиёфа касб этган ушбу бозор қурилишига 2 миллиард сўмдан ортиқ маблаг сарфланди.

●Қарши шаҳрида компьютер ўйинлари бўйича Ўзбекистон чемпионатининг минтақавий саралаш босқичи мусобақалари якунланди. Унда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятидан 400 га яқин геймер автомобиллар пойгаси ва стратегик-фантастик ўйналишдаги ўйин турлари бўйича ўзаро куч синашди.

●Тошкент Кимё-технология институти олимлари узок изланишлардан сўнг таркиби фосфорли кислоталардан ҳоли оҳан олиш усулини кашф этдилар. У Олмалик шаҳрида «Аммофос» очик акциядорлик жамиятида синаб кўриладиган бўлди.

●Тахиратшох шаҳридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабига «Ёш-2007» спорт ўйинлари доирасида миллий кураш бўйича шаҳар очик чемпионати бўлиб ўтди. «Қамолот» ЁИХ шаҳар бўлими кенгаши ҳамда «Маҳалла» жамғармаси, халқ таълими бўлими ташаббуси билан уй шароитида дам олаётган болалар ўртасида ўтказилган ушбу мусобақада 80 нафардан зиёд ёш спортчи гиламга чиқди.



ЖАҲОНДА

●Кеча Бельгия пойтахти Брюсселда Европа Иттифоқининг ёзи саммити ўз ишини бошлади. Анжуман иштирокчилари тадбирнинг биринчи кунини 2008 йилдан бошлаб Мальта ва Кипрнинг Европа Иттифоқи таркибига кириши тўғрисида қарор қабул қилдилар. Мазкур йўналишда ЕИнинг Конституцияси масаласи ҳам муҳокама этилади.

●Эрон пойтахти Техронда Каспий бўйи мамлакатлари ташқи ишлар вазирларининг учрашуви бўлиб ўтди.

●Фалатин мухторияти раҳбари Маҳмуд Аббос ХАМАС қуроли ҳаракатини кескин қоралади. Маҳмуд Аббос ХАМАСчиларнинг Фазо секторидagi ҳукумат аъзолари ва бинолари, жумладан мухториятнинг собиқ раҳбари Ёсир Арофат уйига қуроли ҳужум уюштирилиши қоралаган ҳолда, ҳаракат аъзоларини террорчиларга қўйлади.

●Эстония Денгиз академияси Eesti Enerjia давлат концернига Фин кўрфазига сув тағида қуриладиган атом электростанцияси лойиҳасини тақдим этди. Минг мегаватт қувватга эга бўлган АЭС қуриладиган ер Болтик денгизидagi энг йирик Мууга порти яқинида жойлашган.

●Кеча Австрия пойтахти Венада кучли бўрон ва йирик дўл ёғиши катта муаммоларни келтириб чиқарди. Шамолнинг тезлиги соатига 123 километрге етганлиги сабабли кўпгина электр узатиш линиялари издан чиқди, поездлар, жамоат транспортларининг ҳаракати деярли тўхтади. Мамлакат халқаро аэропорти эса бир неча соатга ёпилди. Табиий офат оқибатида 2 киши ҳаётдан кўз юмди.

●Халқаро қўққисларни ҳимоя қилиш кўни муносабати билан чиқиш қилган БМТнинг қўққислар бўйича Олий Комиссари Антонио Гутеррес сўнгги йилларда қўққисларнинг аҳоли оғирлашиб бораётганини таъкидлади. Айтиш кераки, БМТнинг ҳисоб-китобларига қараганда дунёда 44 миллион одам турли сабабларга кўра ўз уйини тарк этган. Биргина Ироқ уруши тўғрисида 4 миллион киши бошпанасиз қолган.

●Жаҳоннинг энг баланд чўққиси бўлмиш Эверест ортиқча чиқиндилардан халос бўлмоқда. Япониялик альпинист Кен Ногучи ушбу юмушни урдалашга астойдил киришди. У Эверест чўққисига сўнгги чиқишида ўзи билан 500 килограмм турли чиқиндиларни олиб қайтди.

●Испаниянинг Андалусия ҳудудида Европада дастлабки тижорат қуёш электростанцияси барпо этилди. Уни бошқарадиган компаниянинг маълум қилишича, станция 11 мВт электр қуввати ишлаб чиқаради ва атмосферага ҳеч қандай зарарли газ ва чиқиндилар тарқатмайди.

●Таиланднинг собиқ бош вазир Тақсин Чинават Англиянинг машҳур «Манчестер Сити» футбол жамоасини 162 миллион долларга сотиб олди. Ушбу жамоанинг ўтмишдаги хайрли аънавларини тиклашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Чинават команда мураббийлигига шведиялик иктидорли устоз Свен Ёран Эрикссонни таклиф этди.

ЮРТИМИЗ ОБОДЛИГИ - ФАРОВОНЛИК ИФОДАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖОЙЛАРДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХЛАРНИНГ БОРИШИ, АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН БУНЁДКОРЛИК ВА ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИ БИЛАН ТАНИШИШ МАҚСАДИДА 21 ИЮНЬ КУНИ НАМАНГАН ВА АНДИЖОН ВИЛОЯТЛАРИГА ТАШРИФ БУЮРДИ.

Юртбошимиз реконструкция қилинаётган Наманган аэропортида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Реконструкция ва таъмирлаш ишлари якунига етгач, шаҳар ҳаво порти халқаро аэропорт макomini олади. Шу кунга қадар қутиш заллари тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Ҳаво ҳаракатини бошқариш тизими янгиланди.

Давлатимиз раҳбари аэропортни замонавий талабларга мос, юқори даражада сервис хизмати кўрсатадиган, йўловчилар учун барча қўлайликларга эга ҳаво портига айлантириш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди. Реконструкция ва таъмирлаш ишларини белгиланган муддатда сифатли амалга ошириш борасида мутасаддиларга зарур топшириқлар берди.

Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг Наманган филиали Тўрақўрғон туманида жойлашган. Филиал гўза селекцияси ва уручилиги, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини оширишда алмашлаб экиш тизимини ишлаб чиқиш, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари агротехнологияларини такомиллаштириш борасида илмий изланишлар олиб бориладиган йирик илмий марказлардан ҳисобланади. Бу ерда қузи бугуннинг «Тўрақўрғон-И» нави яратилди ва 2005 йили давлат реестрига киритилди. Айни пайтда филиал ҳодимлари томонидан яратилган гўзанинг «Тўрақўрғон-1», «Тўрақўрғон-2», «Тўрақўрғон-3» навлари ҳам синовдан ўтказилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ушбу илмий марказда олимлар ва бир гуруҳ фермерлар билан суҳбатлашди. Уларнинг меҳнат ва турмуш шароити билан қизиқди. Юртбошимиз оиламиз кўрки ва таянчи бўлган хотин-қизларнинг оиладаги, ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги макеи ва фаоллигини янада оширишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини қайд этди.

— Аёл ўзини бахтли ҳис этса, оила ҳам бахтли бўлади, — деди Юртбошимиз. — Халқимиз — болажон халқ. Бизнинг оруз-ҳавасларимиз, ниятларимиз — барча-барчаси фарзандларимиз камоли билан боғлиқ.

Президентимиз қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлигини янада оширишга жиддий эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади. Зеро, халқнинг тўқилиши кўп жиҳатдан қишлоқларимиз фаровонлиги билан боғлиқ.

— Қишлоқларнинг ободлиги фермерлик ҳаракати, тадбиркорлик ва ҳусусий бизнес ривожига бевосита боғлиқ. Юртнинг иқтисодини таъминлайдиган, эл юқини кўтара оладиган фермерлар, тадбиркорлар Наманган вилоятида ҳам кўпчилики ташкил этади, — деди давлатимиз раҳбари.

Вилоятдаги фермерлар сони салкам 13 мингга етди. Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган ширкатлар бутунлай тугатилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш тўлиқ фермерлар зиммасига ўтди.

Қарийб 200 минг гектар майдонда дехқончилик қилаётган наманганлик миришкорлар 103 минг гектардан зиёд майдонда гўза парваришлamoқда. 74 минг 272 гектар ерда пийди етилган галла эса ўриб-йиғиб олинmoқда.

— Қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилишда ривожланган давлатларда синовдан ўтган самарали йўлни — фермерлиқни танладик, — деди Ислom Каримов. — Биз танлаган йўл тўғри эканини ҳаёт кўрсатmoқда, яъни ўз самарасини берmoқда. Буни Наманган вилояти фермер хўжалиқларининг пахтачиликдаги улуши 82, галлачиликдаги ҳиссаси 86 фоизга етганидан ҳам кўриш мумкин.

— Фермерлиқни бошлаганимга ўн бир йил бўлди, — дейди Косонсой туманидаги «Тошкент» фермер хўжалиги раҳбари Каримахон Бобохонова. — Мен оддий бир қишлоқ аёли эдим. Фермер бўлиб, дунё кўрдим — қўллаб мамлакатларга бордим. Хўжалигимизнинг 83 гектар ери бор. Ўтган йили 32 миллион сўм соф фойда олдик. Ҳозир тикувчилик цехи очилиш ҳаракатида-миз.

— Фермерлик тўғрисида ўғил-қизларим олий маълумотли, уйли-жойли бўлди. Фарзандларим ёнимга кирди. Чўл ҳудудида жойлашгани боис еримизнинг унумдорлиги нисбатан пастроқ. Аммо қўл қовштириб ўтирганимиз йўқ, — дейди Мингбулоқ туманидаги «Юсуф бобо» фермер хўжалиги раҳбари Ҳакимжон Юсупов.

Президентимиз унумдорлиги паст ерларда дехқончилик қилаётган фермерларга муайян имтиёзлар бериш лозимлигини таъкидлади.

Фермерларимиз дехқончилик билан чекланиб қолмай, қўшимча соҳалар, хусусан, чорвачилиқни ривожлантиришга ҳам эътибор қаратсалар, олаётган даромадлари янада ошади. Буни Косонсой туманидаги Ҳамидхон Мўйдинхўжаев раҳбарлик қилаётган «Чашмаи сафед» фермер хўжалиги мисолида ҳам аққол кўриш мумкин.

— 216 гектар еримиз бор, — дейди Ҳ.Мўйдинхўжаев. — Асосан чорвачилик билан шуғулланамиз. 600 бош қорамолимиз бор. Хўжалигимизда бир кунда 2 минг литрдан кўпроқ сут соғиб олинади. Замонавий технология асосида ўзимиз етиштирган маҳсулотни қайта ишлаймиз.

Юртбошимиз «Чашмаи сафед» каби фермер хўжалиқлари таърибасини оммалаштириш, бошқаларга ҳам қайта ишлаш саноатини ривожлантиришда ердam бериш мақсада мувофиқлигини таъкидлади.

— Қишлоқ аҳолисининг тақдири фақат дехқончиликка боғлиқ қолмаслиги керак, — деди Юртбошимиз. — Тадбиркорлик билан шуғулланиши учун уларга янада кенгрок имкониятлар яратиб беришимиз лозим. Токи, қишлоқда хизмат кўрсатиш ва сервис хизмати тизими зamon талаби даражасида ривожлансин. «Микрокредитбанк» бу борадаги ишларни янада кенгайтирmoғи лозим.

(Давоми 2-бетда)

“УНИВЕРСИАДА — 2007” СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Азиз фарзандларим!

Муҳтарам устоз ва мураббийлар!

Бугун азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида барча спорт иштирокчилари ва ихлосмандларининг, бутун Ўзбекистон ёшларининг эътиборини ўзига тортадиган катта бир воқеа — «Универсиада — 2007» ўйинларининг тантанали очилиши билан сизларни чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Биз мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, юртимизда эркин ва обод демократик жамият қуриш, халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашдек эзгу вазифани ўз олдимизга қўяр эканмиз, ана шу юксак мақсадларга эришиш йўлида юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон, аввало, ҳаётга кириб келаётган ёш ва навқирон авлодга нисбатан замоннинг талаби тобора ортиб бориши табиийдир.

Бугун сизларга ўз бағрини очётган муҳташам стадион ва спорт майдонларига тўпланган сиз, азиз фарзандларимиз ва барча тенгдошларингиз учун бу ҳақиқат яхши аён, деб ўйлайман.

Ана шундай вазият, дунё миқёсида тобора кучайиб ва мураккаблашиб бораётган кураш униб-ўсиб келаётган авлоддан миллий ва умуминсоний қадриятларни, замонавий илм-фан ва технология ютуқларини чуқур ўзлаштириш, ўзининг бор кучи ва салоҳиятини эл-юртимиз манфаати ва келажиги йўлида сафарбар этишни талаб қилмоқда.

Шу билан бирга, олдимизда турган буюк мақсадларга эришишда ўғил-қизларимизнинг ёшлик чоғидан жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши, ҳар томонлама соғлом ва бақувват бўлиб вояга етиши, ҳеч қимдан кам бўлмасдан юксак спорт чўққиларини эгаллаш алоҳида ўрин тутади.

Айни шу мақсадда юртимизда истиқлолнинг биринчи кунларидан бошлаб фарзандларимиз қалбидида спортга меҳр ва ҳавас уйғотиш, бу соҳадаги барча ютуқларнинг пойдевори бўлиши болалар спортини ривож учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шаҳар ва қишлоқларда, мактаб, лицей ва коллежларда, олий ўқув юртилари қошида энг замонавий талабларга жавоб берадиган спорт мажмуалари ва иншоотлари барпо этиш масалаларига катта эътибор берилмоқда. Ва бундай кенг қўламли ишларимизнинг натижаси ва самарасини бугун ҳар қадамда кўрmoқдамиз.

Бугунги кунда Руслан Чагаев ва Рустам Қосимжонов, Муҳаммадқодир Абдуллаев ва Армен Багдасаров, Дилшод Мансуров ва Абдулла Тангриев, Гузал Хуббиева ва Мафтуна Тўхтасинова, Рустам Саидов ва Ўткирбек Хайдаров ҳамда уларнинг издошлари бўлган юзлаб шижоатли ёшларимиз.

ПОРПАЙВЕР, УНИВЕРСИАДА МАШЪАРАСИ!



**КЕЧА ПОЙТАХТИМИЗДА
ТАЛАБА-ЁШЛАРНИНГ
«УНИВЕРСИАДА — 2007»
МУСОБАҚАЛАРИ БОШЛАНДИ.**

Талаба ўғил-қизларимизнинг ҳаётида муҳим аҳамият касб этувчи ушбу воқеа олдидан пойтахтимиздаги «Ёшлик» спорт мажмуасида катта театрлаштирилган дастур намойиш этилди.

Мазкур мажмуанинг енгил атлетика стадиони бу кунини ўзига хос байрамона қиёфа касб этди. Майдонда Республикаимизнинг барча минтақалари шаънини ҳимоялашга шайланган терма жамоалар вакиллари саф тортиди.

Ташкилотчилар номидан сўз олган Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқаҳҳор Тўхтаев «Универсиада — 2007» ўйинларини очик деб эълон қилар экан, ушбу тадбир

республикаимиз спорт тарихида алоҳида ўринга эга бўлишига ишонч билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримовнинг «Универсиада — 2007» спорт ўйинлари иштирокчиларига таъригини «Қамолот» ЁИХ Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Гулрух Аззамова ўқиб эшиттирди.


Ўзбекистон Республикаси Давлат маҳияси садолари остида Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи, шунингдек Универсиаданинг рамзий байроғи кўтарилди.

Универсиада — 2007 иштирок-



чилари бўлажак спорт мусобақаларида ҳалол бўлиб мurosасиз беллашмишга қасамёд қилдилар...

(Давоми 2-бетда)



ЮРТИМИЗ ОБОДЛИГИ — ФАРОВОНЛИК ИФОДАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакатимизда тиббиёт тизимини ислох қилишга, аҳолининг тиббий маданиятини, тиббий хизмат сифатини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётган. Ижтимоий ҳимоя йилида бу борадаги эзгу ишлар кўлами янада кенгаймоқда. Хусусан, жойларда янги тиббиёт муассасалари, соғломлаштириш масканлари барпо этилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов ана шундай муассасалардан бири — Наманган шаҳридаги "Saydona" тиббиёт маркази фаолияти билан танишди. Ушбу марказда замонавий лаборатория, радиология, эндоскопия, кардиология бўлимлари мавжуд.

Ислам Каримов шаҳарнинг "Тинчлик" майдонида амалга оширилаётган қурилиш-ободонлаштириш ишлари билан ҳам танишди. Наманганнинг асосий майдони баҳо ва яшил ҳудудга, вилоят аҳолининг севимили масканига айланиши лозимлигини алоҳида уқтирди.

Президентимиз Ислам Каримов куннинг иккинчи ярмида Андижон вилоятига ташриф буюрди.

Ислам Каримов Олтинкўл туманидаги "Ихлос барака" фермер хўжалиги ший-понида фермерлар, туманлар ҳокимлари, банклар раҳбарлари билан бўлиб ўтган учрашув чоғида бугунги кунда фермерлик ҳаракати вилоятда қандай ривожланаётгани, андижонликлар тафаккурида мулкка, ерга эгалик туйғуси қай даражада шаклланаётгани, шунингдек, фермерларнинг эришган ютуқлари ва уларнинг фаолиятини янада ривожлантириш учун ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар билан қизиқди.

лан қизиқди.

Юртимизнинг бошқа ҳудудларида нисбатан биров кечроқ бўлса-да, вилоят кишлқ хўжалиги соҳасида фермерлик жадал ривожланмоқда. Бошқача айтганда, Андижонда ҳам ер ўз эгасини топди.

Вилоятда 16 минг 193 фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, улар 239 минг гектар ернинг соҳиби ҳисобланади. Фермерлар ўтган даврда пахта, галла ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштириб, бу борада олиб борилаётган сиёсатнинг нақадар тўғри эканлигини амалда исботлади: 2006 йили вилоят пахтакорлари етиштирган пахтанинг 64,3 фоизи айнан фермерлар ҳиссасига тўғри келди.

Жорий йилда вилоят миришкорлари 113 минг 200 гектар ерда гўза парварлашмоқда. Вилоят бўйича бу йилги ялпи пахта ҳосили мўлжали — 349,7 минг тонна. Ана шу шартнома мажбуриятларини қўнгилдагидек адо этишда фермер хўжалиқларининг улуши катта бўлиши кўтилмоқда.

Кейинги йилларда вилоятда кузги бугдойнинг истиқболли "Андижон-1", "Андижон-2", "Чиллаки" каби навлари синовдан муваффақиятли ўтди. Жорий йилда 75,4 минг гектар майдонда галла етиштирилган вилоят деҳқонлари 453,7 минг тонна ҳосил кўтаришни мўлжаллаган. Ҳозирги вақтда вилоят далаларида галла ўрими-йғими қизгин паллага кирган. Шу кунгача далалардаги ҳосилнинг қарийб 60 фоизи йиғиштириб олинди.

Олтинкўллик Сиёсатхон Абдуллаева раҳбарлик қилаётган "Олтин водий гулшани" фермер хўжалиги 33 гектар майдонда етиштирилган галладан мўл-кўл

ҳосил олиб, шартнома мажбуриятини 106 фоиз бажарди.

— Ортиб қолган галламиз уй солишига ҳам, тўй қилишга ҳам етади, — дейди фермер. — Фермерликка барака бор экан. Шу йилнинг ўзида 25 миллион сўм даромад олдик. Бу даромаддан ишчиларимиз ва уларнинг оила аъзолари баҳраманд бўлмоқда, шунингдек, Ижтимоий ҳимоя йилида эҳтиёжманд кишиларга ҳоимийлик ёрдами кўрсатаёلمиз. Даромадимиздан қўшимча техника олмоқчимиз.

Жалакудук туманидаги Шерали Назаров раҳбарлик қилаётган "Намуна ибрат сарвари" фермер хўжалиги аъзолари 36 гектар ерда миришкорлик қилиб, пахта ва галла мавсуми якуни бўйича 41 миллион сўм даромад топдилар. Ш.Назаров халқимизга ерга эгалик ҳуқуқини қайтариб беришнинг, фермерлик ҳаракати юртимизда кенг жорий этилишининг ташаббускори бўлган Президентимизга миннатдорлик изҳор этди.

— Шартномани бажарган, мажбуриятлардан қўтилган фермер ортиб қолган ҳосилига тўлалигича ўзи эгадир, — деди давлатимиз раҳбари. — Шартнома ўз мазмун-моҳияти ва аҳамияти билан қонун даражасига тенг ҳужжат эканини доимо ёдда тутиш даркор.

Андижонда 80 саноат корхонаси мавжуд. Вилоятнинг Бадиқчи туманидаги "Алишер Навоий" акционерлик жамияти ана шундай корхоналардан бири. Бу ерда ҳар куни 25 тонна тола қайта ишланади ва сифатли ип-калава тайёрланади. Ўтган йили корхонада 300 янги иш ўрни яратилди. Айни пайтда ишлаб чиқариш қувватларини янада кенгайтириш борасида

изчил иш олиб борилмоқда.

Корхона раҳбари Хайитбой Абдулҳакимовнинг айтишича, ишлаб чиқаришга янги технологиялар жорий этилиши маҳсулот сифати юқорилигини, унинг наинки ички бозорда, балки жаҳон бозоридида ҳам рақобатбардошлигини таъминламоқда. Бу, ўз навбатида, экспорт салоҳиятини юксалиб боришида муҳим омили бўлмоқда. Ҳозирги кунда қатор Европа давлатлари, Япония, Жанубий Корея, Россия каби мамлакатлар корхона маҳсулотларининг фаол харидорлари ҳисобланади.

Ислам Каримов ушбу корхона фаолияти билан танишди. Ишчилар билан суҳбат асосида уларнинг иш ва турмуш шароити билан қизиқди.

Мамлакатимиз раҳбари Бобур номидаги вилоят мусикали драма театрини ҳам кўздан кечириди, театр жамоаси билан мулоқотда бўлди.

— Вилоят театри шундай муҳташам бинога эгалиги ушбу заминда маънавий илдиэлари мустаҳкамлигидан далолатдир, — деди Президентимиз. — Театр санъаткорлари бугунги буюк ўзгаришларни, тарихимиз ва ёруғ келажагимизни ёрқин бадиий образларда тараннум этиб, халқимиз, айниқса, ёшларимиз маънавий камолоти йўлида муносиб ҳисса қўшишига ишонамиз.

Шу билан Президентимизнинг Наманган ва Андижон вилоятларига сафари ниҳоясига етди.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
Ғулом МИРЗАЕВ,
Илхом РАЗЗОҚОВ,
Саид ШУКУРОВ
ЎЗА махсус мухбирлари

Оз-оз ўтганиб домо бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

ҲИКМАТЛАР

Ногаҳон сиртмоқ тушаркан бўйнига,
Кушчанинг дони ҳаром бўлгай анга.

Дон егайму домга тушган куш магар,
Еган дони унга бўлмасму заҳар?

Кун келур, русту ҳақиқат сўйлабон,
Сидку софингдин берурсен имтиҳон.

Икки ёрга ишқибозлик айлама.

Баски, мискинларга эҳсон берганинг,
Ишни ул суду самарга бурганинг,

Донни сочсанг гар унумсиз ерга сен,
Донни сочгайсен ҳавога, елга сен.

Ерки шурхок эрса, андин фойда йўқ.

Гар насиҳатгўйда юз жаҳду жадал,
Тингламоқ ҳам сидқ ила лозим бўлур.

Қайси кўнгил ичраким кибру ҳаво,
Келди ул тошдин-да қаттиқ, деб нидо.

То надоматлар кўнгилни ёқмагай,
Кимсанинг кўз ёши юздин оқмагай.

Оз есанг, феълу хўйинг бўлгай ёмон,
Кўп есанг, меъданг бузилгайдир ҳамон.

Чўққилар ҳам кўкка бош ургай фақат,
Офтоб, деб йўлга термулгай фақат.

Нома ўнгдин келмаги осон эмас.

Сув қуёшдин айри тушса, музлагай.

Гар биров йўл тутса маккорлик била,
Унга халқ эргашсалар кўрлик ила,

Бор гуноҳни унга этгайлар ҳукм,
Чунки ул—бошдир, ҳалойиқ эрса—дум.

Ўз тушининг таъбирин билмас киши,
Ўзгалар таъбири бирла не иши?

Ишқ надир қашқир, айик, шер ҳам билур,
Ишқни билмас кимса итдан паст бўлур.

Йўқса ишқ, дунё надир, билмас эдинг,
Нон-да бўлмас, сен даги бўлмас эдинг.

Сабру бардошим баландир тоғданам.

Кимки ранж кўргай, етар сарватга ул,
Кимки жаҳд этгай, етар давлатга ул.

Ўт-олов янглиғ югургай ҳирси зар,
Аклу хуш дерким, ошқиманг мунчалар.

Адолатда мингларча лутфу марҳамат
мавжуд.

Дўстни кўрсанг, дилда меҳринг бир
жаҳон, Ёвни учратганда қаҳринг ончунон.

Зарра кўркув бўлмагай ишқ сўйида,
Барча қурбондир муҳаббат кўйида.

Етмагай кўрқоқ юракка гарди ишқ,
Осмонни қопламишдир дарди ишқ.

Рўзи маҳшар ҳар нихон пайдо бўлур,
Ҳар гуноҳқор йўла расво бўлур.

Кўл дегай: урдим, ўмардим бўйлаким,
Лаб дегай: сўрдим, сумардим бўйлаким.

Кўз дегайким, неча бор кўрдим ҳаром,
Ҳам қулоқ дер: тингладим макруҳ қалом.

Бас, қабоҳатларни сўйлайдир бари,
Бўйла расво айлагай аъзолари.

Гўнг-ўғит полизда унгай гул бўлиб.

Берса айрон, ўрнига бол истамам,
Чунки ҳар неъматда бордир дарду ғам.

Ҳар нечук давлатни тиламоқ унга эш
бўлган заҳматни ҳам тиламоқдир.

Нонни деб ортгирма заҳмат, чекма ўй,
Офият истар есанг, дунёни қўй.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ПОРЛАЙВЕР, УНИВЕРСИАДА МАШЪАРАСЫ!

(Давоми. Боши 1-бетда).

Юртбошимиз табригиди таъкидлаб ўтилганидек, биз мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, эркин ва обод демократик жамият қуриш, халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашдек эзгу вазифани ўз олдимиизга қўяр эканмиз, ана шундай юксак мақсадларга эришиш йўлида юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон, аввало, ҳаётда кириб келаётган ёш ва навуқрон авлодга нисбатан замоннинг талаби тобора ортиб бориши табиийдир.

Замонамиз ўғил-қизлариди ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб шаклланишлари, яхшиликка, фаровонликка йўлланган ислохот жараёнларининг фаол иштирокчилари бўлиши учун барча имкониятлар, ҳамма нарса бисёр десак муболага бўлмайдми. Зеро, бу борадаги масалалар давлат сиёсати даражасида амалга оширилиб келинаётган.

Спорт ҳаракатини оммавий ва профессионал даражада ривожлантириш ҳам мамлакатимизнинг қучли ижтимоий сиёсатининг асосий йўналишларидан ҳисобланади. Бу бежиз эмас, албатта. Жисмоний тарбия ва спорт — бу жамиятни соғломлаштириш, жисмонан етук шахсни тарбиялаш, келажақ ҳақида қайғуриш ва, шубҳасиз, дунё ҳамжамиятида мамлакат нуфузини ошириш демокдир. Дарҳақиқат, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, ҳеч нарса мамлакатни спорт каби дунёга танитишга қодир эмас.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, қисқа вақт—деярли 16 йиллик муқтачил ривожланиш даврида бошқа соҳалар каби жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш бобиди ҳам кўплаб сайёҳ-ҳаракатлар амалга оширилди. Беэвосита давлатимиз раҳбари раҳнамолиги остида ушбу муҳим ижтимоий тузилманинг мустаҳкам моддий-техник негизи шакллантирилган. Юзлаб халқаро меъёларга мос спорт мажмуалари барпо этилди. Бугунги кунда ҳар бир маҳаллада, ҳар бир ўқув муассасасида кўзни қувонтирувчи спорт мажмуалари қад ростлаган.

Шубҳасиз, бу борада мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан яратилиб, оммавий спорт ҳаракатига асос солган, ўсиб келаётган авлоднинг саломатлигини таъминлаш ва ҳар қандай спорт тури билан шуғулланишга имкониятлар очиб берган болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг аҳамияти алоҳидадир. Хусусан биргина пойтахтимизда кейинги вақт ичида 320 та мактаб, 29 та болалар спорт мактаблари, 115 та ўрта махсус таълим муассасалари, 30 дан зиёд олий ўқув юртлири негизда бир ярим мингдан зиёд замонавий спорт майдончалари, 600 га яқин спорт заллари, 30 дан зиёд сув ҳавзалари қурилиб қайта таъмирланди, 3000 дан зиёд спорт тўғрақлари очилди. Ҳар бир туманда ушбу жамғарма доирасида халқаро мезонлар асосида иккитадан спорт мажмуалари барпо этилди.

Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган уч босқичли — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» нисбатан узуқиссиз спорт ўйинлари тизими — тарбиявий жараённинг ноёб модели сифатида эътироф этилган. Мактабдан бошлаб то олий ўқув юртида тахсил олгунга қадар ўғил-қизларимиз жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш имкониятига эга, бу эса, шубҳасиз, уларнинг ҳар томонлама етук шахс бўлиб шаклланишларида катта аҳамиятга эгадир. Мажмуавий тарзда ушбу тизим «Кичик Олимпиада» номи билан, зеро унинг шартлари Олимпиада ўйинларига мувофиқлаштирилгандир.

Юқорида айтиб ўтилганидек, спорт мамлакатни дунёга тараннум этишга қодир. Ёшларимизнинг имкониятлари ҳақида гапирар эканмиз, шуни ҳам алоҳида айтиб ўтиш жоизки, фақат Истиклол шарофати билан ёш авлод ўз салоҳиятини, шу жумладан, спорт бобидидаги имкониятларини ҳам халқаро майдонларда синая қўришга эришди. Бугунги кунда эса биз дунё, кўпга микёсида ўтказилаётган турнирларда, Олимпиада ўйинларида мамлакатимиз шарафини улуғлаб келаётган кўплаб чемпион фарзандларимиз билан фахрланамиз.

Уларнинг орасида бугун «Универсиада — 2007» мусобақаларида республикамиз минтақалари микёсида ўз яқинлари, устозлари ва мураббийлари номини оқлашга шай бўлган ана шундай Барчинов ва алп ўғлонларимиз ҳам бордир. Бу — Абдулла Тангриев, Рустам Саидов ва бошқа дунёда эътироф

этилган ўзбекистонлик спортчилардир!

— Бизнинг ҳам мактабимизга аризулик имкониятларимиз бор. «Универсиада — 2007»нинг дастлабки кўни самарқандлик курашчилар жамоаси ўмумий ҳисобда иккинчи ўринни эгаллади. Яқинлида эса битта олтин медалга эришдик. Бу ютуқни жорий йилининг кураш бўйича Ўзбекистон чемпиони Нурбек Исхандаров қўлга киритди. Икки карра жаҳон чемпиони Алишер Қуръанов эса қумуш медалга сазовор бўлди. Ҳозирча олтин медалга эришдик, — гуруҳ билан таъкидлаб ўтди Хоразм вилоятининг кураш терма жамоаси мураббийси Маҳмуд Раҳимов.

Дарвоқе, пойтахтимизнинг кураш бўйича жамоаси Абдулла Тангриев ва бошқа спортчиларимизнинг зўр маҳорат билан беллашишлари туфайли биринчи ўринни эгаллади.

— Биз ҳам голибликни қўлга киритиш ниятидамиз, — ишонч билан деди қўл тўпи бўйича Самарқанд вилояти жамоасининг етакчи ўйинчиси Файрат Узоқов. — Бунга дастлабки натижаларимиз ҳам мисолдир. Бугун биз сурхондарёликлардан устун келдик, иккинчи давра ўйинларидан ҳам муваффақиятли ўтишимизга ишончимиз комил. Жамоамиз таркиби Самарқанд Давлат университети, Архитектура-қурилиш ва Тиббиёт институтлари талабаларидан шаклланди. Самарқанд учинчи Универсиадага мезбонлик қилган ва ўшанда гандбол бўйича ҳамда ўмумий ҳисобда Тошкент шаҳридан кейин иккинчи ўринни эгаллаганди. Дастлабки талабалар ўйинларига бу спорт тури киритилмаганди. Бухорода эса натижалар ўртача эди. Бугунги кунда эса пойтахт ҳамда бизнинг жамоа бу спорт тури бўйича энг қучли ҳисобланади... Мусобақалар юқори савияда ташкиллаштирилган. Қолаверса, маданий ҳордиқ ҳам аъло даражада. Пойтахтнинг кўплаб кўзга қўринарли қадам-жоларида бўлди. Шаҳар жуда гўзал. Мамлакатимизнинг Мустақиллик—бош майдони эса улғувор ансамбли ўзида ифода этган. Ҳастимом мажмуасида биринчи бор бўлишим. Мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан Республикамиз бўйлаб миллий қадриятларимиз қайта тикланиб, янгилаб бораётганини таъкидлаш ўринли. Тошкентнинг 2007 йилда Ислам маданияти пойтахти этиб эълон қилингани барчамиз учун фахрлидир. Мен жаҳон цивилизациясига йўл очган аждодларимиз фарзанди эканимдан гуруҳланаман ва қўлимдан келгунча уларга муносиб ишлар қилишга ҳаракат қиламан. Спорт эса мен учун ҳаётимнинг ажралмас қисмидир. Келажақда гандбол иккинчи касбим бўлиб қолади.

Курашчи Сергей Ли ҳам Самарқанд вилояти ҳисобига биринчи олтин медални қўлга киритди. Қашқадарёлик курашчилар эса иккита бронза ва қумуш медалларига сазовор бўлди.

— Бу фақат бошланиш, — деди Қарши Иқтисодиёт университети жисмоний тарбия кафедраси мудири Чори Ҳамраев. — 12 та спорт тури бўйича беллашаётган бўлсак, бир неча совринли ўринларни эгаллашга ишончимиз бор. Ўтган йили биз учун алоҳида ёдда қоларли бўлди. «Умид ниҳоллари» мусобақаларида мезбонлик қилганимиз. Қисқа вақт ичида анча илгариларидек, жумладан ёшларимиз спорт маҳорати ошиб бормоқда. Умида Чоршанбева ва Сарвинов Эргашева Греция ва Францияда бўлиб ўтган нуфузли халқаро турнирларда қатнашиш имкониятига эга бўлди. Бу шахматчиларимизга катта ишонч билдирганмиз ва «Универсиада — 2007»да совринли ўринни эгаллаш ниятимиз ҳам йўқ эмас.

...Байрам тадбирининг энг ҳаяжонли ва масъулиятли дақиқалари келди. «Универсиада — 2007» машъаласини ёқиб ҳуқуқига эркин кураш бўйича Осиё чемпиони Дилшод Мансуров ва стол тенниси бўйича халқаро турнирлар иштирокчиси, «Машриқзамин маликаси» Республика танлови голиби Саида Бурхонқўева эга бўлди.

Порлайвер, жисмоний баркамоллик ва бардамлик рамзи Универсиада машъаласи!

«Универсиада — 2007» ўйинларининг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

СУРАТЛАРДА: «Универсиада — 2007» спорт ўйинларининг очилиш маросими ва дастлабки беллашувлардан лавҳалар.

Наталья Семёнова ва ЎЗА олган суратлар

МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИ ЗИЁРАТИ

«УНИВЕРСИАДА — 2007»
СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ
ИШТИРОКЧИЛАРИ 21 ИЮН
КУНИ ЭРТАЛАБ
ХУРРИЯТИМИЗ, ПОРЛОҚ
ИСТИҚБОЛИМИЗ ВА ЭЗГУ
НИЯТЛАРИМИЗ РАМЗИ
БЎЛГАН МУСТАҚИЛЛИК
МАЙДОНИДАГИ
МУСТАҚИЛЛИК ВА ЭЗГУЛИК
МОМУЕНТИ ПОЙИГА ГУЛ
ҚЎЙДЛАР.

Мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлоднинг қучли инсонлар этиб тарбиялаш, оналик ва болаланини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қарати-

тилмоқда. Ёшлар камолоти йўлида кўрсатилган доимий ғамхўрлик ва эътибор замирида фарзандларимиз онги ва қалбига Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садодат, шонли тарихимизга ҳурмат-эътибор туйғуларини чуқур сингдиришдек эзгу ниятлар муҳассамдир. Бу борадаги барча эзгу ишлар йигит-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни оммавий спортга кенг жалб этиш, юртимизда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш билан уйғун тарзда олиб борилаётган. Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 16 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон олий таълим

муассасалари талабаларининг «Универсиада — 2007» спорт мусобақаларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига асосан бундай қайрилишлар кўлами янада кенгаймоқда. — Универсиада мусобақалари очилиш олдидан Ватанимизнинг бош майдони — Мустақиллик майдонини зиёрат қилганимиз барча тенгдошларим катори менинг ҳам қалбимни чуқур ҳаяжон ва фахрга тўлдирди, — дейди Жиззах Давлат педагогика институти талабаси Дилноза Аҳмедова. — Пойтахтимиз эса жаҳоннинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айланибди. Биз бу ерда янги-янги бинолар, йўللар,

СОЛИХ ҲОШИМ:

«ТОШКЕНТНИНГ МУҲИМ ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИНИ АКС ЭТТИРГАН ҚАРОР»

АВВАЛ ХАБАР ҚИЛИНГАНДЕК, ЖОРИЙ ЙИЛ АВГУСТ ОЙИДА ТОШКЕНТДА «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДАГИ ЎРНИ» МАВЗУИГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТАДИ. У ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ИСЛОМ ТАШКИЛОТИ (ISESCO) ТОМОНИДАН ТОШКЕНТНИНГ 2007 ЙИЛДАГИ ИСЛОМ МАДАНИЯТИ ПОЙТАХТИ, ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНГА БАҒИШЛАНАДИ.

Айни пайтда конференция ташкилий қўмитасига аъжуманда иштирок этишни режалаштираётган таниқли хорижий олимлар, Ўзбекистон тарихи ва замонавий ҳаётини тадқиқ қилишга ихтисослашган мутахассислар, халқаро илмий ва ижтимоий-сиёсий ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари маъмурий мажлислар келиб тушмоқда. Уларда юртимиз тарихи билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар ҳамда олимлар томонидан амалга оширилаётган тадқиқотлар борасида сўз юритилган.

Кўни кеча бўлажак учрашув иштирокчиларидан яна бири Араб университетлари иттифоқи бош котиби Солих Ҳошимнинг мактуби олинди. Унда, жумладан, бундай дейилади:

«Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) Тошкентни 2007 йилдаги ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилгани тўғрисидаги хабар мени чин дилдан қувонтирди. Албатта, бу қарор тасодифий эмас. У Ўзбекистон, жумладан, Тошкентнинг инсоният цивилизацияси тарақиётида тугган муҳим тарихий ўрни билан изоҳланади. Шу ўринда бу заминдан етишиб чиққан қатор олим-

лар, маданият, дин ва давлат арбоблари жаҳон маданияти юксалишига бекиёс ҳисса қўшганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Улар нафақат диний ва дунёвий фанларнинг кўплаб йўналишларига асос солган, балки ўз асарлари билан уларнинг ривожига бевоқиф таътир берган. Ушбу аллоҳлар орасида Имом ал-Бухорий, Ибн Сино, ал-Хоразмий, ал-Беруний, Аҳмад ал-Фарғоний, Маҳмуд аз-Замаҳшарий, Каффол Шоший ва бошқа кўплаб олим мутафаккирларнинг номларини келтириб ўтиш мумкин. Ҳозирги кунда ҳам уларнинг асарлари бутун дунё тадқиқотчилари учун қимматли манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон ўзининг кўп асрлик тарихи давомида турли цивилизациялар таштаган қорраҳа бўлиб келган. Бу заминдан машҳур Буюк Ипак йўли ўтган бўлиб, у орқали беҳисоб қарвонлар Шимоли, Ғарби, Жануби ва Шарқи томон йўл олган. Кўп хижатдан айнан мана шу йўл туйғайли бу ерда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби тарих, меъморчилик ва маданий меросни ўзида мужассам этиб, осмон остидаги музейларга айланиб қолган шаҳарлар пайдо бўлган ва

тараққий этган. Тошкентда халифа Усмон ибн Аффон томонидан VII асрда яратилган муқаддас Куръон китобининг энг қадимий нусхаси сақланиши бу шаҳарнинг дин, фан, таълим ва маданият тарақиётида бекиёс ўрин туттишига яна бир далилдир.

Ўз мактубида муаллиф, шунингдек, Марказий Осиё билан араб дунёси ўртасидаги илмий-маданий кўприкни яратган олим Моъроуннахр олим ва мутафаккирларнинг ислом цивилизацияси ривожига тугган ўрнига эътибор қаратган. «Минтақадан етишиб чиққан олимлар халқлар манфаатларига хизмат қилаётган давлатлараро алоқаларнинг юксалиши учун асос яратиб берди.

Мен Ўзбекистон раҳбарияти томонидан ўзбек халқининг буюк аждодлари юбилейларига бағишланган тантаналарни ўтказиш, хозирги авлодга етиб келган бебаҳо маънавий меросни асраб-авайлаш мақсадида амалга оширилаётган чора-тадбирларни юксак баҳолайман.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистоннинг ислом ва араб дунёси билан кўп томонлама алоқаларни ривожлантиришга қаратилган ташаббусларини тўла қўллаб-қувватлашимни айтиб ўтмоқчиман.

Сўзининг якунида эса Президент Ислам Каримовни, республика ҳукумати ва бутун ўзбек халқини ISESCOнинг тарихий қарори билан қутлаб, барчага тарақиёт ва фарвонлиқ тилаб қоламан», — деб ёзади Солих Ҳошим.

«Жаҳон» АА.

КЕНГ КЎЛАМЛИ АЛОҚАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

